
Тиббий ниқобни кўп тақиб юрса, ўпка қуриб қоладими?

Бугун Телеграмда бир овозли хабар роса тарқалди. Унда айтилишича, тиббий ниқоб кўп тақиб юрилиши натижасида одамларнинг ўпкаси қуриб қоляпти ва пневмония шу сабабли келиб чиқмоқда. Шу сабабли овозли хабарни юборган акамиз ҳаммага ниқоб тақмасликни маслаҳат берган.

Ушбу масалага бугун «Tez yordam» кўрсатувида иммунолог-инфекционист Азиза Хўжаева муносабат билдирди ва бу гаплар илмий жиҳатдан мутлақо асоссиз эканлигини тушинтирди.

Ўзимдан қўшимча: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа етук халқаро илмий муассасалар тиббий ниқоб тақиб юриш коронавирусни юқтириш эҳтимолини 70-90%га камайтириши ҳақида аллақачон бонг уришмоқда ва бутун дунё аҳолисини ниқоб тақишга тарғиб қилишяпти. Агар бунинг зарари бўлганда улар ҳеч қачон бундай маслаҳат беришмаган бўларди. Ўшанчун миш-мишларга ишониб қолманг - албатта ниқоб тақинг!

2020-07-23 11:41:44